

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Суфиев Рустамжон¹, Боймирзаев Одилжон Хасанбой ўғли²

¹Фарғона давлат университети ўқитувчиси

² Фарғона давлат университети магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6651112>

Аннотация: Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Инновация, самарадорлик, ишлаб чиқариш, механизм
Ишлаб чиқаришни инновация-техникавий ривожлантиришни бошқариш компания раҳбарияти юқори поғонасида амалга оширилади. Унинг мақсади хўжалик субъектининг янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва жорий этиш; ишлаб чиқариладиган маҳсулотни замонавийлаштириш ва такомиллаштириш; маҳсулот анаънавий турларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдан иборат.

Хўжалик субъектлари инновация фаолиятини бошқаришда инновациялар стратегияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда. Маҳсулот янги турларини яратиш ва ишлаб чиқариш фирма стратегиясининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Тадқиқот ва ишлаб чиқаришни бита жараёнга бирлаштирадиган ягона фан- техника мажмуини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни инновация – техникавий ривожлантиришни бошқариш ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифадир. Бу эса «Фан - ишлаб чиқариш» цикли барча босқичларининг мустаҳкам боғланишини тақозо қилади.

Фан - техника сотув яхлит тизимларини яратиш фан техника тараққиётни ва фирманинг бозор йўналишидаги эҳтиёжлари билан боғлиқ. Чунончи, ушбу яратувчилик ишлаб чиқариш булинмаси фаолиятини талабга ва истеъмолчилар эҳтиёжларига компаниянинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга жавоб берадиган маҳсулотлар яратиш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган соҳаларга йўналтирмоқда.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш қуйидаги асосий вазифаларни бажариш орқали, яъни:

- инновация фаолияти режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- янги маҳсулот ишлаб чиқиш жараёни ва унинг жорий этишини кузатиш;
- янги маҳсулот яратиш лойиҳаларини куриб чиқиш;
- ягона инновация сиёсатини юритиш;
- ишлаб чиқариш булинмаларида шу борадиги фаолиятни мувофиқлаштириш;
- инновация фаолиятини дастурларини молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни инновация-техникавий ривожлантиришни бошқаришни малакали ходимлар билан таъминлаш;
- ғоядан токи янги ишлаб чиқаришгача инновация муаммоларини ҳал этиш муайян гуруҳлар ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда янги инвестициялар манбаларини жалб этиш жуда муҳим. Республикамиздаги қишлоқ хўжалиги трамоги мисоллида курсак, бундай инвестициялар «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» корхоналарини инновация-техникавий ривожлантиришнинг қуйидаги босқичларида ишга солинди.

Охирги ун йиллик давомида фан ва таълим сифат даражаси янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитлар ривожланмокда. Инновацион фаолиятининг ривожланишида асосий уринни иқтисодиёт тармоқларига кириб бораётган фан эгаллайди. Ривожланган мамлакатларда, яъни ЕИ мамлакатларида 65% Японияда 71% АҚШда. 75 % изланишлар компаниялар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда изланишлар олиб боровчи олий ўқув юртларининг улуши оз колмокда. Бундан фанга харажатлар ҳам жуда оз миқдорда (5% га якин ЯИМга нисбатан, ЕИ да 21%, Япония ва АҚШ да 15%) бўлмокда.

Фан инновацияларга оз даражада йўналитирилган. Миллий инновацион тизимнинг асосий элементларига илмий-техник соҳа, корхоналар, инновацион инфратузилма кириб, бир-бири билан якин алоқада эмас.

Корхоналарда инновацион маданият етарли эмас, инвестицион ресурслар кам. Фандан фаол мутахассислар кетмокдалар ва бир вақтнинг узида ёшларининг келиш даражаси паст.

Илмий - кадрлар ёш структураси кундан-кунга ёмонланмокда. Олимларнинг 48% и 50 дан ошган, Фан номзодларининг уртача ёши 53 ёш, Фан докторлариники эса 61, уртача ҳисобда ҳар бешинчи олим нафақа ёшида.

Утган асрнинг 70 йилларида интеллектуал харажатлар маҳсулот умумий қийматига нисбатан 3%ни ташкил килган. Бугунги кунда бу кўрсаткич

50% таҳлилчилар баҳолашига кура 2010 йилда Ушбу кўрсаткич 70% булади. XXI асрда айнан ахборот ва билим янги бойликлар ва юқори даромадлар келтиради ва жамиятнинг келажакдаги ривожланишга асос яратади.

Инновацияларнинг жамиятдаги ролини ҳисобга олиш зарур бўлиб, корхона фаолиятидаги асосий вазифа (маркетинг билан тенгма-тенг):

- тадбиркорлик инструменти;
- мустақил бизнес.

Инновациялар илмий ғоядан тайёр бозор маҳсулотига айланиши учун бир неча босқичларни босиб ўтади (1-расм).

Товарнинг силжишни бир канча иштирокчиларининг узаро мураккаб таъсирлашуви натижасида юзага келади.

Ғоянинг интеллектуал инновацион маҳсулотга айланиши учун қуйидиги шартлар бажрилиши лозим.

1. Инновация бозорининг ривожланиш;
2. Инновацион фаолиятни ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш.

Омадли инновацион фаолиятнинг энг муҳим шарти давлат инновацион дастурини яратишдир. Бу дастур қуйидаги йўналишларни камраб олиши лозим:

1-расм

Инновациянинг ҳаракатланиш йўли



- қонунчилик: аниқ патент-лицензия қонунчилигини яртаиш, венчур капитал ва венчурли молиялаштириш бўйича ҳуқуқий асос яратиш, солиқ қонунчилигига узгартиришлар киритиш;

- таълим: инновацион ишланмалар билан шуғулланувчи талабалар, аспирантлар ва олимларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инновациялар соҳасида мутахассислар тайёрлаш;
- кичик фан билан боғлиқ тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш.

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва камабий бораётганлиги бозорда инновацион, яъни интеллектуал маҳсулотлар билан савдо килувчи ишлаб чиқариш корхоналар учун фойда келтиради. Яъни уларнинг фаолияти кенгайиб боради.

Анъанавий муҳитда рақобатланишининг истиқболи йук. Шунинг учун жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги узгаришлар ва Ўзбекистон миллий хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда фаолият юритиш лозим.

Банклар ва кредит уюшмалари юқори рискли битимларни хоҳлашмайди ва инновацион лойиҳаларга кредит беришда кафиллик учун, яъни гаровга бирор нарса талаб қилишади. Лекин кичик корхоналар узининг дастбалки ривожланиш босқичида гаров учун мулк такдим этишга имконияти бўлмайди ва бу уларнинг ривожланишини оркага суради.

Ушбу муаммони ҳал этишда бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда фаолият юритадиган фондларнинг велчурли молиялаштиришдан фойдаланиш лозим. Лекин Ўзбекистонда бу молия соҳасидаги янги йўналиш ҳисобланади. Венчурли молиялаштиришнинг асосий вазифаси инновацион бизнесга маълум миқдордаги маблағни устав капиталидаги улуш ёки акция пакетининг бир қисми эвазига бериш ҳисобланади. Шубҳасиз, инвестор юқори рискка учрайди ва бу биринчи навбатда ўз маблағини қайтара ололмаслигига ҳам олиб келиши мумкин. Лекин риск учун мукофот бўлиб, инвестор дивидендлардан оладиган фойдаси ёки нархи кутарилган акцияни сотишдан келадиган фойда ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни молиявий таъминлашни яхшилаш солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали эришилади. Бу тизимнинг моҳияти шундаки, солиқ миқдори билан маҳсулотнинг янги яратилган қиймати, олинган фойда ва мавжуд мол - мулк утрасида, бевосита боғлиқлик урнатиш ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, инновацион корхоналарга ҳам ишлаб чиқариш корхоналарига бериладиган барча имтиёзларни бериш лозим. Бундан ташқари, инновацион корхоналарга изланиш асбоб-усукунасини биринчи йилдаёк 50% ли амортизациялаш ва бошқа асосий фондларини тезлаштирилган амортизациялаш ҳуқуқий берилиши лозим. Саноатга ўз янгилигини жорий этувчи инновацион корхоналарга лицензия ва ноу - хаулар сотишда солиқ имтиёзлари

белгилаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтирувчи корхоналарга эса янги ускунаси қийматини солиқ базасига киритмаслик ҳуқуқи берилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПК-3698-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
2. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак”. -Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.
3. Абулкосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Укув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2014 - 304-б.
4. Tolipov, A., & Teshabaeva, O. (2021). Innovative entrepreneurship is a factor in the development of the economy of modern production in Uzbekistan. Студенческий, (2-4), 96-99.
5. Тешабаева, О. Н., & Назарова, Л. Т. (2020). Классификация развития факторов инновационного потенциала предприятия в Узбекистане. In минтақа иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлари (pp. 471-474).
6. Нехорошева Л.Н. Инновационные системы современной экономики. Л.Н. Нехорошева, Н.И. Богдан. - Минск: БГЭУ, 2003.